

Асқарова М.И.,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари» илмий тадқиқот маркази илмий
ходими

ҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ДЕМОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

АСҚАРОВА М.И. ҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ДЕМОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада хорижий давлатлар ва ўзбекистонлик олимларнинг қариш ёш гуруҳларини ўрганишга доир илмий назарий ёндашувлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон аҳолиси таркибидаги кекса аҳоли вакиллари салмоғи ва уларнинг ижтимоий ҳаётларига алоҳида эътибор қаратилан.

Таянч иборалар: демография, геронтология, аҳоли, кексалар, ёш, пенсия ёши, биологик ёш.

АСКАРОВА М.И. ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОЦЕССОВ СТАРЕНИЯ

В статье проанализированы научно-теоретические подходы к исследованию возрастных групп старшего поколения в Узбекистане. Особое внимание уделяется потенциалу и социальной жизни пожилого населения Узбекистана.

Ключевые слова: демография, геронтология, население, пожилые, возраст, пенсионный возраст, биологический возраст.

ASKAROVA M. I. DEMOGRAPHIC CHARACTERISTICS OF THE AGING PROCESS

The article analyzes the scientific and theoretical approaches to the study of the age groups of elderly people. Particular attention is given to the proportion of the elderly population of Uzbekistan, and their social life.

Keywords: demographics, gerontology, population, seniors, the elderly, young, retirement age, biological age.

Одатда қарилик ҳақида сўз кетганда, беихтиёр хаёлга ожизлик, қарамлик, касаллик ҳолати келади. Йўқ, қариликка касаллик деб эмас, аксинча комиллик палласи деб қараш керак. Чунки қарилик – умрининг энг мазмунли, серҳосил фасли. Инсоннинг умри давомида йиғилган яширин имкониятлари ёш улғайганда очилиб, ақли тўлишиб теран фикрлайди, кашфиётлар қилади. Шундай экан қариликдан кўрқиб эмас, ҳаёт давомида орттирилган тажрибага таяниб, ақлу шижоат билан ишлаш ва яшаш лозим.

Ёш жинсдан фарқли ўлароқ, ўзгарувчан ҳолат бўлиб, у доимо ортиб боради. Аҳолининг ёш таркибини ўрганиш учун гуруҳлаш, мутлақ, нисбий ва ўртача кўрсаткичлар, график ва бошқа усуллар қўлланилади. Лекин ёш таснифи инсон ҳаётидаги айрим босқичларни ифодалайди. Шунинг учун инсонларнинг ёши билан боғлиқ жараёнларни ўрганишга қадимдан турли хил ёндашувлар мавжуд. Қадимги мутафаккирлар инсон умрининг ҳаётийлик даврини йил фаслларига қиёслашган. Масалан, Пифагор инсон умрининг 20 ёшгача бўлган болалик ва ёшликни қамраб олувчи даврини «баҳор», 20 ёшдан 40 ёшгача даврини «ёз», сермахсул етуклик ҳисобланган 40 ёшдан 60 ёшгача даврини «куз», кексалик ҳисобланган 60 ёшдан 80 ёшгача даврини «қиш», деб таърифлайди¹.

Инсон умрининг қарилик давлари тўғрисида фикр юритилганда буюк шоир Алишер Навоийнинг қуйидаги мулоҳазаларини келтириб ўтиш ўринлидир: «етти-саккиз ёшдин йигирма ёшгача... умр фусулининг² навбаҳори ва ҳаёт гулшанининг шукуфаву³ гулзоридур», «йигирмидин ўттуз бешгача... бу фусулнинг ёзидурким, йигитлик чашмасорининг⁴ ҳаётбахшлиғининг оғозидур⁵», «ўттуз бешдин қирқ бешга дегинча бу фусулнинг хазонидурким, тириклик боғининг барг-

резининг⁶ нишонидур», «Ва қирқ бешдин олтмиш яқиниғичаким таъйин қилса бўлғайким, бу фусулнинг қишидурким, кинининг ҳам қад била йўлига кириб, замон аҳли била хайрбод⁷ қилишидур»⁸.

Ўз даврининг етук олимлари томонидан берилган фикрлар илмий жиҳатдан таснифланганда, қарилик ёш гуруҳларини ўрганишда биологик, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, демографик нуқтаи назардан ёндашиш мумкин эканлигини кўрсатади.

Ёш биологияда организмнинг туғилганидан бошлаб унинг ўсиши, ривожланиши, вояга етиши ва қаришидан иборат ҳаёти тавсифи. Яъни туғилгандан бошлаб муайян вақтгача ўтган давр биологик ёш ҳисобланиб, қарилик, кексалик (қариш) эса организм ҳаётининг ёшга боғлиқ муайян бир даври, муқаррар равишда юз берадиган жараёндир. Бу даврда аъзо ва тизимларда ўзига хос ўзгаришлар рўй бериб боради, бу эса аста-секин организмнинг ҳаётга мослашув имкониятлари сусайишига олиб келади. Одамларнинг қариш даври 75 ёшдан кейин бошланади (90 ёшдан ошган кишилар узоқ умр кўрувчилардир), бу физиологик қаришдир⁹.

Биология фанида одам ҳаётининг қариш ёши гуруҳи давлари қуйидагича таснифланади:

⁶ Кузги барг, ҳазонрезги.

⁷ Хайрлашиш, видолашиш.

⁸ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. – Т.: «Фан», 1988. –19-б.

⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-том. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. –604-б.

¹ Основы демографии: Учебное пособие. / П.И.Косов, А.Б.Берендеева. 2-е изд, доп. и перераб. – М.: «ИНФРА-М», 2010. –С.66-67.

² Фаслининг.

³ Яшнаб, очилган, гуллаган.

⁴ Булоқлари кўп жой, чашмазор.

⁵ Бошланиши, илк, аввал, ибтидо.

1. Кексалик даври – эркаклар 61-74 ёш; аёллар 55-74 ёш.

2. Нурунийлик даври – эркаклар ва аёлларда 75-90 ёш.

3. Умрбоқийлик – 90 ёшдан юқори¹.

Берилган таснифга кўра, биология фанида инсониятнинг бутун тана аъзолари инобатга олиниб, унинг ёш ўртасидаги ақлий, жисмоний ҳаракатлари ҳам фарқланиши кузатилади.

Қариш ёши гуруҳларига ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан ёндашилганда қуйидагича таснифланади:

1. Қариялар – 60-70 ёшдагилар. Бу гуруҳ вакиллари, яъни аёллар ва эркаклар ҳам пенсия ёшига етган, лекин айрим кишилар, асосан эркаклар, меҳнат фаолиятларини давом эттираётган ёки тўхтатиш арафасида бўладилар.

2. Кексалар – 70 ва ундан катта ёшдагилар. Бу гуруҳ вакилларининг барчаси пенсия билан таъминланган ва меҳнат фаолиятидан четлашган бўлади². Бу ёндашувда инсоннинг меҳнат қилишга бўлган лаёқатлилик даражаси кўпроқ ҳисобга олинган.

Демографияда эса аҳоли ёш гуруҳи бўйича ёшлар, ўрта ёшдагилар ва кексаларга бўлинади. Р.Пресса «бу уч гуруҳ жамиятда турли ролларни бажаради ва аниқ табақалаштирилган эҳтиёжларга эга»³, деб ҳисоблайди.

АҚШлик демограф З.Г.Френнелъ аҳолини қариш ёш гуруҳини қуйидагича таснифлайди:

1) 65–74 ёшдагилар – пенсияга эрта чиқиш ёши;

2) 75 ва ундан катта ёшдагилар – қарилик ёши⁴.

Яна бир демограф олим Д.Боуг эса аҳолининг қариш ёш гуруҳини қуйидагича таърифлаб беради: 1) 45–64 ёшдагилар – ўрта мўйсафидлик; 2) 65–74 ёшдагилар – илк қарилик; 3) 75 ва ундан юқори ёшдагилар – қарилик⁵.

Б.Ц.Урланис бошқа демограф олимлардан фарқли равишда, инсон умрига меҳнатга лаёқатлилик жиҳатидан қараб, қарилик даврини меҳнатдан кейинги ёш, деб таърифлади. Унинг таърифига кўра, 60-69 ёш – қарилик, 70-79 ёш – илк кексалик, 80 ва ундан юқори ёшдагилар чуқур кесалик, деб изоҳланади⁶.

Швед демограф олими Г.Сундберг аҳолини ёш таркибига қараб уч турга бўлган:

1. Прогрессив ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида болалар (0-14 ёшдаги) салмоғи қарияларга (65 ёш ва ундан юқори) қараганда юқори.

2. Стационар ёш таркибида аҳоли умумий миқдорида қариялар салмоғи ёшлар билан тенг.

3. Регрессив ёш таркибида аҳоли умумий сониде қариялар салмоғи ёшларга қараганда юқори бўлади⁷.

Аҳолишунослик эндиклопедик луғатида кексаликнинг ёш гуруҳлари қуйидаги даврларга бўлинган.

1-жадвал. Ёш таснифи⁸

Календарь ёш	Ёш гуруҳларининг ҳаёт даври
36-60 ёш (эркаклар)	Етукликнинг иккинчи босқичи
36-55 ёш (аёллар)	
61-74 ёш (эркаклар)	Қарилик
56-74 ёш (аёллар)	
75-90 ёш	Кексалик
90 ёшдан катталар	Узоқ умр кўрувчилар

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-том. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. –493-б.

² Абдурахмонов Қ.Х., Имомов В. Ўзбекистон меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. – Т.: «Академия», 2008. –40-41-б.

³ Пресса Р. Население и его изучение. – М.: «Статистика», 1996, –С. 267.

⁴ Френкель З.Г. Удлинение жизни и деятельное старость. – Ленинград.: «Экономиздат», 1945. –С. 144.

⁵ Bogue D. The population of the United States. – Clencoe, 1959. –Р. 21.

⁶ Основы демографии: Учебное пособие. / П.И.Косов, А.Б.Берендеева. 2-е изд, доп. и перераб. – М.: «ИНФРА-М», 2010. –С. 66-67.

⁷ Калинин И.В. Возрастная структура населения СССР. – М.: «Статистика», 1975. –С. 12.

⁸ Народонаселение: Энциклопедический словарь. – М., 1994. –С. 461.

Ҳозирги вақтда кўп ривожланган давлатларда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари ишлаб чиққан таснифга кўра қариш ёш гуруҳлари қуйидагича таърифланади:

2-жадвал. Қариш ёшининг гуруҳлари¹

	Календарь ёш	Қариш ёш гуруҳларининг ҳаёт даври
1	60-74 ёшдагилар	Қариялар
2	75-89 ёшдагилар	Кексалар
3	90 ва ундан юқори ёшдагилар	Узоқ умр кўрувчилар

Герантологлар («герантология» инсоннинг қариш жараёнини ўрганадиган фан бўлиб, юнонча «geros» – қари ва «logos» – билим) таснифига кўра, 60-74 ёшдагилар – қариялар, 75-84 ёшдагилар – кексалар, 85 ва ундан юқори ёшдагилар – жуда кексалар ҳисобланади².

Аҳоли умр кўриш даражаси бўйича қуйидагича таснифланади (3-жадвал).

3-жадвал. Аҳолининг умр кўриш даражаси бўйича таснифланиши^{3*}

	Аҳоли таркибида 60 ёш ва ундан юқори ёшдаги шахсларнинг улуши, %да	Гуруҳлар тавсифи
I	8 дан кам	Демографик ёш
II	8-10	Қарилик бўсағасида
III	10-12	Қарилик
IV	12 ва ундан ортиқ	Демографик қарилик

Юқорида келтирилган фикрлар, ўрганилган манбалардан меҳнатдан кейинги умрни роҳат ва фароғатда ўтказиш, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бу ёш гуруҳидаги

¹ Калинин И.В. Возрастная структура населения СССР. – М.: «Статистика», 1975. –С. 12.

² Возраст мудрости – возраст создания. / Программа развития ООН. – М., 1999. –С.17.

³ БМТ методологияси бўйича. 2013 йилда Ўзбекистонда пенсия/нафақа олувчилар сони 2995 минг кишини ташкил этди (жами аҳоли сонига нисбатан 9,8%).

* Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2014. – Т., 2015. -86-б.

кексаларимизнинг аксарият қисми меҳнат фаолиятларини тўхтатиб, нафақага чиққан бўлади.

Айнан шу ёшдаги аҳоли вакиллари барча мамлакатлар таркибида салмоғи ҳар хил бўлиб, узоқ умр кўриш даври, уларга давлат томонидан қаратилаётган эътибор, яшаш тарзлари ҳам бир хил эмас, деб айтишимиз мумкин.

Ўзбекистонда эса 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади. Мустақиллик йилларида республика аҳолисининг ўртача ёши 1990 йилда 67 ёш бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, эркаклар орасида 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди.

Айни пайтда мамлакатда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар 100 ёшдан ошган табаррук ёшдаги қариялар истиқомат қилмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси таркибида 60 ёшдан ўтганлар 1997 йилларда умумий аҳолининг 6,2 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилдан камая борди. 2006 йилга келиб 60 ёшдан ошган кексаларимизнинг умумий аҳоли таркибидаги салмоғи 5,7 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 0,9 фоизга ортди. Олиб борилган кузатишлар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон аҳолисининг ёш таркиби дунё аҳолиси ёш таркибига таққосланса, болалар салмоғининг анча юқорилиги кузатилади ва бу билан аҳолиси ёш давлатлар қаторига киритилишини асослайди (4-жадвал).

Ўзбекистонда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий кўмак, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексалар-

4-жадвал. Ўзбекистон аҳолиси таркибида кекса аҳоли вақларининг салмоғи¹

№	Йиллар	Жами аҳоли	Шундан:			60 ёшдан ошганлар умумий аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида
			60-69 ёшдагилар	70 ва ундан катталар	60 ёшдан катталар	
1.	1997	23772,3	913,4	583,9	1497,3	6,2
2.	2000	24813,1	951,4	654,2	1605,6	6,4
3.	2003	25707,4	896,6	700,3	1596,9	6,2
4.	2006	26663,8	800,4	742,3	1539,8	5,7
5.	2009	28001,4	810,7	814,1	1624,8	5,8
6.	2012	29993,5	1026,9	862,3	1999,2	6,6
7.	2015	31022,5	1242,1	818,1	2060,4	6,6

нинг ўрнини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Буларнинг ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили», 2015 йилни «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинишини кўриш мумкин. Бундан ташқари, «Кексаларни эъзозлаш йили» давлат дастурининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги «Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 237-сонли қарори вилоятлар бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминлайди.

Бу амалга ошириладиган ижтимоий тадбирларда четдан парваришга муҳтож ёлғиз кексалар ва ногирон кишилар кенг қамровли рўйхатдаги ижтимоий хизматлар ва ёрдамни олиш ҳуқуқига эга шахслар инobatга олинган. Уларга ҳар ойда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур товарлар тўплами етказилади, бошқа ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатилади. Бундай тоифадаги кишиларнинг саломатлиги ҳар

йили бир марта давлат ҳисобидан санаторийларда мустақамланади, дори воситалари билан бепул таъминланиб, бошқа кўплаб имкониятларга эга бўлади. Бундай саъй-ҳаракатларнинг далаат томонидан амалга оширилиши уларга бўлган эътиборнинг юксаклигини ифода этади. Кексаларга кўрсатилган эътибор уларни меҳнат фаолиятини тўхтатганларидан кейинги умрлари роҳатда ўтишини ва бу давр узоқ давом этишига ҳам таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Global Age Watch Index-2015 рейтингига кўра умумий аҳолисига нисбатан узоқ умр кўрувчилар (100 ёш ва ундан ошганлар) сони бўйича давлатлар ўнлигида Британия ва Япониядан сўнг учинчи ўринни қайд этган бўлса, узоқ умр кўрувчиларнинг умумий миқдори бўйича эса Япония, Хитой, АҚШ, Британия ва Италия мамлакатларидан сўнг олтинчи ўринни эгаллади².

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, юртнинг бойлиги ҳисобланган кексалардан, уларнинг ўғитлари, фикрлари ва қилган меҳнатларидан ўринли фойдаланиб, уларнинг таҳсинга сазовор меҳнатларини давом этириш мақсадида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсак мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ёшларни кексаларга ғамхўр бўлишлик тарзида тарбиялаш;
- уларнинг суҳбатларидан кўпроқ баҳраманд бўлишликларини таъминлаш;

¹ Манбалар: 1997-2006 йиллар. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам 2008. – Т., 2009. -45-б.; 2009-2012 йиллар. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Йиллик статистик тўплам 2008. – Т., 2013. -44-б.; 2015 йил. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Ўзбекистон демографик йиллик тўплам 2015. – Т., 2015. -67-б.

² www.helpage.org

- уларнинг берган ўғитларини келажак авлодга етказиш мақсадида ёдда сақлаш;
- миллий анъаналар, урф-одатларга оид манбаларни бойитиб бориш;
- «устоз-шогирд» анъаналари давомийлигини таъминлаш;
- маънавият ва маърифат дарсларини улар билан ҳамкорликда ташкил этиш;
- ёшларга кексаларнинг амалга оширган ишларини кўрсатиб ёки сўзлаб бериш ёрдамида кексаларга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни ошириш ва бошқалар.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 3-том. Хазойин ул-маоний. – Т.: «Фан», 1988. –19-б.
2. Абдурахмонов Қ.Ҳ., Имомов В. Ўзбекистон меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш . – Т.: «Академия», 2008. -40-41-б.
3. Возраст мудрости – возраст создания. / Программа развития ООН. – М., 1999. –С. 17.
4. Калинин И.В. Возрастная структура населения СССР. – М.: «Статистика», 1975. –С. 12.
5. Основы демографии: Учебное пособие. / П.И. Косов, А.Б.Берендеева. 2-е изд, доп. и перераб. – М.: «ИНФРА-М», 2010. –С. 66-67.
6. Пресса Р. Население и его изучение. – М.: «Статистика», 1996, -С. 267.
7. Френкель З.Г. Удлинение жизни и деятельное старость. – Ленинград.: «Экономиздат», 1945. –С. 144.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3, 10-том. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2005. -604-б.
9. Vogue D. The population of the United States. – Clencoe, 1959. -P. 21.
10. www.helpage.org.
11. www.who.int.